

Mufti Muhammad Ibrahim Essa

23.05.2025 у.



ҚОИДАЛАРИ

1-БҮЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Иштирокчилар Такофул операторига маблағларни, бирор иштирокчига заарар етгандан уни қоплаб бериш мақсадида ташкил этилган захира фондига йўналтириш учун тўлайдилар.

1.2. Такофул сугуртаси (бундан буён матнда сугурта деб юритилади) такофул операторининг Такофул дарчаси фаолияти тўғрисидаги сиёсати (Такофул сиёсати)га мувофиқ амалдаги Қонунчилик доирасида амалга ошириладиган фаолият йўналишларидан биридир. Ушбу қоидалар билан исталган вақтда Такофул операторининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган Такофул сиёсати билан танишиш мумкин бўлади.

1.3. Иштирокчи Такофул сугурта бадалини (такофул сугурта бадалини) тўлайди ва такофул сугурта бадалини қонун ҳужжатларига ҳамда Такофул сиёсатига мувофиқ сугурта захирасини (такофул фондини) шакллантиришга рози бўлади.

1.4. Такофул оператори Қонунчилик ва Такофул сиёсатига мувофиқ такофул сугуртаси учун олинган бадаллар ҳисобидан сугурта захираларини (такофул фондини) шакллантиради. Такофул оператори такофул сугуртаси учун тўланган бадалнинг сугурта захираларидағи (такофул фонд) улушини иштирокчига полис муддатидан олдин тугатилган ёки муддати тугаган тақдирда, Такофул сиёсатига мувофиқ такофул сугуртаси бадалининг қайтариш миқдорини аниқлаш учун унинг ҳисобини юритади.

1.5. Иштирокчи ушбу қоидаларга мувофиқ ўз мажбуриятларини бажарган тақдирда, ушбу қоидаларга ва Такофул сиёсатига мувофиқ товон олиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.6. Такафул оператори сугурта маблағларини бошқариш ва инвестиция қилиш учун бошқарув ҳақи сифатида Такафул операторининг Эксперт кенгаши томонидан тасдиқланган коэффицентга мувофиқ Такафул сугурта мукофотининг маълум қисмини ўз даромадига олади. Ҳар бир томон исталган вақтда Такафул операторининг расмий веб-сайтида жойлаштирилган Эксперт кенгаши Низоми билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга.

1.7. Ушбу Қоидаларда кўрсатилган ҳодиса (сугурта ҳодисаси) содир бўлганда, Такафул Оператори томонидан бошқарадиган Такафул фонд Иштирокчисига ёки қонун ҳужжатлари ёхуд шартнома асосида манфаатдор бўлган, Иштирокчи томонидан белгиланган шахсга, мазкур ҳодиса оқибатида сугурталанган шахсга етказилган заарни қоплайди. Бундай қоплама ушбу шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида, шартномада кўрсатилган миқдорда (сугурта суммаси доирасида) амалга оширилади.

1.8. Ушбу « NEO INSURANCE CORP» АЖ нинг саёҳатчиларни сугурта қилиш қоидалари (бундан буён матнда Сугурта қоидалари деб юритилади) ўзбек, рус ва инглиз тилларида ишлаб чиқилган. Сугурта Қоидаларига фаол гиперхавола сугурта Полисида жойлаштирилган. Сугурта полиси 3 (учта) бир хил нусхадан иборат бўлиб, улардан бири Сугурта қоидалари билан бирга Иштирокчига, иккинчиси Элчихоналар ёки Консуллик муассасаларига (уни тақдим этиш талаби мавжуд бўлган тақдирда) берилади, учинчиси эса Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси Истиқболли Лойиҳалар Миллий Агентлиги

лицензияси асосида фаолият юритадиган «NEO INSURANCE CORP» АЖ (бундан бүён матнда Такофул оператори деб юритилади) вакилида қолади.

1.9. Ушбу Суғурта қоидалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Умумий суғурта соҳасининг «Бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш» 1-класси, «Касаллик ҳолати учун суғурта қилиш» 2-класси бўйича Қоидалар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига/доимий яшаш мамлакатига/Суғурта қилинган шахс фуқароси бўлган мамлакатга/Суғурта қилинган шахсга яшаш гувоҳномасини берган мамлакатга чиқаётган (бундан бүён матнда хорижга чиқаётган деб юритилади) саёҳатчиларни (Суғурта қилинган шахсларни) суғурта қилиш тартиби ва шартларини белгилайди.

1.10 Оператор ортиқча маблағнинг бир қисмини сақлаб қолиши мумкин:

- Фавқулодда ҳолатлар учун захира сифатида (техник шартлардан ташқари)
- Агар ортиқча маблағ мавжуд бўлса, у бевосита ёки кейинги йил учун бадалларни камайтириш шаклида, иштирокчилар ўртасида Такафул жамғармасига киритилган бадаллар миқдорига мутаносиб равишда (хатар билан боғлиқ ҳар қандай харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда) тақсимланиши мумкин.

2-БЎЛИМ. ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР

Ушбу Суғурта қоидаларида қуидаги асосий атамалардан фойдаланилади:

2.1. **Саёҳат суғуртаси полиси (Полис)** - Такафул оператори ва Иштирокчи ўртасида ушбу Суғурта қоидаларига биноан тузилган хужжат бўлиб, унинг шартларига кўра Иштирокчи белгиланган муддатда ва тўлиқ ҳажмда Такафул мукофотини тўлаши, Такафул оператори бошқарадиган Такафул жамғармаси эса суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта суммаси доирасида бўлган миқдорда суғурта тўловини ёки суғурта қопламасини амалга ошириши лозим.

2.2. **Суғурта суммаси** – ушбу Суғурта қоидаларида ва Полисда кўрсатилган пул маблағлари суммаси бўлиб, у ўзи билан Такафул операторининг ҳар бир Суғурта қилинган шахсга нисбатан суғурта тўловини/суғурта таъминотини амалга оширишга доир мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодалайди. Ушбу Суғурта қоидаларида Суғурта дастурига кирадиган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммалари белгиланган.

2.3. **Такафул суғурта бадали** – Иштирокчи ушбу Суғурта қоидаларида белгиланган тартибда муддатларда Такафул операторига тўлайдиган тўлов.

2.4. **Суғурта таваккалчилиги** – юз бериши ҳолати учун суғурта амалга ошириладиган эҳтимол қилинган ва тўсатдан юз берган ҳодиса. Ушбу Суғурта қоидалари шартларига кўра қуидагилар суғурта таваккалчиликлари деб тан олинади:

– Суғурта қилинган шахснинг тўсатдан касалланиши ёки баҳтсиз ҳодиса муносабати билан тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар бўйича назарда тутилмаган харажатлар;

2.5. **Суғурта воқеаси** – суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа.

2.6. **Суғурта ҳодисаси** – Суғурта қилинган шахс билан суғурта даврида ва Полис амал қилиши ҳудудида суғурта таваккалчилиги юз бериши билан боғлиқ содир бўлган воқеа бўлиб, унинг натижасида Такафул операторининг ушбу Суғурта қоидаларига мувофиқ суғурта тўловини ёки суғурта таъминотини тўлашни ташкиллаштириш мажбурияти юзага келади.

2.7. **Суғурта тўлови** – Суғурта қилинган шахсга суғурта ҳодисаси юз бериши муносабати билан кўрсатилган хизматлар учун муассасаларга суғурта суммаси доирасида ва ушбу Суғурта қоидаларида белгиланган тартибда Такафул оператори томонидан ташкиллаштирилган ҳолда Такафул фондидан тўланадиган пул маблағлари.

2.8. 2.8. **Суғурта қопламаси** - Такафул оператори бошқарадиган Такафул жамғармаси томонидан Иштирокчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчига суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта суммаси доирасида ҳамда ушбу Суғурта шартларида белгиланган тартибга мувофиқ тўланадиган маблағлар.

2.9. Полис амал қилиши даври – Суғурта полисида кўрсатиладиган, Полис амал қиладиган ва ушбу Суғурта қоидаларининг 4-бўлими шартларига мувофиқ суғурта хизматлари кўрсатиладиган вақт оралиги.

2.10. Суғурта даври – Полисда кўрсатилган кунлар сони бўлиб, унинг давомида ушбу Суғурта қоидаларининг шартларига мувофиқ Такофул оператори томонидан ташкиллаштирилган холда суғурта тўловини/суғурта таъминотини амалга ошириш бўйича мажбуриятлари амал қиладиган давр.

2.11. Саёҳат – Суғурта қилинган шахснинг хорижга кунлар сони билан ҳисобланадиган ҳар қандай сафари (саёҳат, ўқиш, спорт, ишлаш билан боғлиқ сафари, бундан даволаниш мақсадида амалга оширган сафари мустасно).

2.12. Хизматлар – Суғурта қилинган шахсга суғурта ҳодисаси юз берганида кўрсатиладиган, Суғурта дастурида назарда тутилган тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар.

2.13. Муассаса – Суғурта қилинган шахсга хизматлар кўрсатиладиган тиббиёт муассасаси ёки бошқа муассаса (дорихона, ташхислаш маркази ва бошқалар).

2.14. Ассистанс хизмати – Такофул оператори билан тузиладиган шартнома асосида амал қиладиган, суғурта ҳодисалари бўйича сутка мобайнида мурожаатларни қабул қиладиган, Суғурта қилинган шахсга юз берган суғурта ҳодисалари бўйича керакли хизматларни олишда ва улар ҳақини тўлашда ёрдам берадиган ихтисослашган ташкилот.

Ассистанс хизмати Суғурталанувчига кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва кўламини назорат қилиш, шунингдек, Такафул оператори бошқарадиган Такафул фонди номидан Суғурта ҳодисаси юз берганда иштирокчи ёки Суғурталанувчининг чет элдаги харажатларини қоплаш ҳуқуқига эга.

2.15. Тўсатдан касалланиш – суғурта даврида ва Полис амал қилиши ҳудудида кутилмаганда юзага келган, сурункали касаллик ва/ёки даволаш амалга оширилганлигидан ёки оширилмаганлигидан қатъи назар саёҳат бошланишига қадар мавжуд бўлган касаллик оқибати бўлмаган, шошилинч ёрдамни талаб қиладиган ва ушбу Суғурта қоидаларида истисно сифатида белгиланмаган касаллик.

2.16. Шошилинч ёрдам – тиббий ёрдам бўлиб, у тақдим этилмаган тақдирда, Суғурта қилинган шахснинг ҳаёти хавф остида қолади.

2.17. Шошилинч стоматологик ёрдам – тиш ва тишни ўраб турадиган тўқималар ўткир яллиғланганида, шунингдек баҳтсиз ҳодиса натижасида тиш шикастланганида фақат оғриқни қолдириш воситалари ва бирламчи муолажалар (рентген, дори-дармонлар, вақтингчалик пломба қўйиш ёки тишни олиб ташлаш) билан чекланадиган стоматологик тиббий ёрдам.

2.18. Сурункали касаллик – зўрайиш ва ремиссия даврлари билан ифодаланадиган, одам организмида органлар ва тизимлар шикастланиши билан узоқ вақт кечадиган касаллик.

2.19. Сурункали касалликни зўрайиши – сурункали касалликка хос бўлган, шу жумладан шошилинч ёрдам зарур бўлган симптомларни намоён бўлиши.

2.20. Доимий яшаш жойи – бу Суғурта қилинган шахс қонуний асосда доимий яшайдиган, рўйхатдан ўтган (агар қонун ҳужжатларига мувофиқ талаб этилса), шунингдек ўз ҳаёт фаолиятини (иш, ўқиш, оила ва бошқалар) амалда олиб борадиган давлат. Низо келиб чиқкан тақдирда, доимий яшаш жойи шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар, визалар, яшаш учун рухсатномалар, рўйхатга олиш маълумотлари, шунингдек доимий ва/ёки имтиёзли бўлиш фактини тасдиқловчи бошқа далиллар асосида аниқланади.

2.21. Тиббий эвакуация – Суғурта қилинган шахсни зарурат бўлганида ҳар қандай фойдаланиш мумкин бўлган ва мос келадиган транспорт воситасида тиббиёт ҳодими кузатувида бир жойдан бошқа жойга олиб бориш учун зарур бўлган тадбирлар мажмуаси. Тиббий эвакуация остида шунингдек суғурта ҳодисаси туфайли мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотган суғурта қилинган шахсни ҳодиса жойидан энг яқин тиббиёт муассасасигача маҳсус машинада ёки таксида етказиб бориш ҳам тушунилади, бошқа

транспорт харажатлари тиббий харажатлар сифатида ҳисобга олинмайди. Тиббий эвакуация фақат тиббий қўллаш мумкин бўлмаган кўрсатмалар мавжуд бўлмаган тақдирда ва шифокор рухсати билан амалга оширилади.

2.22. Репатриация – Суғурта қилинган шахс қолдиқларини Ўзбекистон Республикасига қадар ҳар қандай фойдаланиш мумкин бўлган ва мос келадиган транспорт воситасида олиб бориш учун зарур бўлган тадбирлар мажмуаси. Қариндошларнинг илтимосига кўра репатриация Ўзбекистон Республикаси бўлмаган бошқа мамлакатга қадар амалга оширилиши мумкин, шу шарт биланки, бунда Такофул фонди суғурта тўловини Ўзбекистон Республикасига қадар репатриация қилиш учун тўлаши зарур бўлган суммадан ошмайдиган миқдорда амалга оширади. Репатриация шартлари Такофул оператори томонидан Суғурта қоидаларига мувофиқ аниқланади.

2.23. Рецепт – шифокорнинг дори воситаларини қабул қилиш ва/ёки тиббий препаратларни қўллашга доир ёзма кўрсатмаси.

2.24. Жисмоний иш – скелет мушакларига асосий юк тушган холда одамнинг таянч-харакатланиш аппарати иштирок этадиган ишларнинг турлари.

2.25. Мурожаат – Иштирокчи, Суғурталанувчи ёки Такафул оператори бошқараётган Такафул фонидан суғурта тўловини олишга ҳақли бўлган бошқа шахснинг ёзма аризаси бўлиб, унда суғурта ҳодисаси натижасида соғлиққа етказилган зарар туфайли юзага келган харажатларнинг сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилади.

2.26. Қайтарилмайдиган полис - ушбу суғурта полиси бўйича, унда суғурта шартномаси суғурта қилинган шахс/иштирокчининг ташабbusи билан суғурта ҳодисаси юз бериши билан боғлик бўлмаган бошқа сабабларга кўра муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда, Такофул операторига тўланган маблағ, суғурта муддати тугамаганидан қатъи назар, қайтариб берилмайди. Суғурта полисининг тегишли устунида полиснинг "қайтарилмайдиган" эканлиги тўғрисидаги белги кўрсатилади. Бундай белги бўлмаган холда, ушбу Қоидаларнинг 14-бўлимида келтирилган суғурта мукофотининг бир қисмини қайтаришнинг стандарт тартиби кўлланилади.

Суғурта полисининг қайтарилмаслик тушунчаси сезиларли чегирма берилган полисларга нисбатан қўлланилади ва фақатгина Шенген битими давлатлари элчихонасига ҳужжатлар топширилганлиги фактининг тасдиғи мавжуд бўлган тақдирдагина ўрнатилади. Бундан ташқари, Иштирокчига бадал қайтарилмайдиган деб ҳисобланган холларда, Иштирокчи Такафул (суғурта) бадали пулидан тегишли улушни талаб қилиш ёки ундириш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечишини тан олади ва бунга рози бўлади. Иштирокчи бундай қайтарилмайдиган суммалар жамғарма доирасида колишига ва такофул суғурта фаолиятини тартиба солувчи мақсадлар ва тамойилларга мувофиқ фойдаланилишига узил-кесил розилик беради.

2.27. Шартсиз франшиза - бу Суғурта шартлари ва қоидаларига мувофиқ Такафул оператори бошқарадиган Такафул жамғармаси томонидан қопланмайдиган зарарнинг маълум бир қисми ёки миқдори бўлиб, у зарар миқдорининг фоизида ёки аниқ белгиланган пул эквивалентида ифодаланиши мумкин.

2.28. Ўз-ўзи учун тўлаш – бу тиббий ёрдам олиш шакли бўлиб, унда суғурталанган шахс сафар давомида Хизмат кўрсатувчи компанияга мурожаат қилмасдан, ушбу Суғурта қоидаларида назарда тутилган тиббий ва бошқа хизматлар учун харажатларни мустақил равишда тўлайди. Суғурта қилинган шахс доимий яшаш мамлакатига қайтганидан сўнг Такофул операторига ушбу Қоидаларда белгиланган тартибда сарфланган харажатларни қоплаш тўғрисида ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

2.29. Иш – Суғурта қилинган шахснинг чет давлат ҳудудида бўлган мамлакат қонунчилигига мувофиқ расмий меҳнат шартномаси, контракт ёки меҳнат вазифаларини бажариш ҳуқуқини тасдиқловчи бошқа ҳужжат асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш.

Атама фақат суғурта полисининг "Махсус белгилар" устунида "WORK" белгиси кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Диққат: Суғурта қилинган шахс вақтингчалик бўлиш мамлакатида меҳнат фаолиятини амалга оширишни режалаштирган тақдирда, суғурта полисида "WORK" белгисининг мавжудлиги суғурта қопламасининг мажбурий шарти ҳисобланади. Ушбу белгининг йўқлиги суғурта таъминоти меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир бўлган ҳодисаларга татбиқ этилмаслигини англаради.

3-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУММАСИ ВА ТАКОФУЛ СУҒУРТА БАДАЛИ

3.1. Суғурта суммаси Иштирокчи томонидан танланган Суғурта дастурига боғлиқ равишда тарафлар келишувига биноан белгиланади ва Полисда кўрсатилади.

3.2. Такофул суғурта бадали суғурта даври ва танланган Суғурта дастуридан келиб чиқкан ҳолда Такофул операторининг амалдаги суғурта тарифларига мувофиқ равишда ҳисоблаб чиқарилади. Такофул суғурта бадалининг миқдори Полисда кўрсатилади.

3.3. Такофул оператори Такофул суғурта бадали миқдорини аниқлашда базавий суғурта тарифларига ошириладиган ёки камайтириладиган коэффициентларни белгилайди, улар Суғурта қилинган шахсларнинг ёши ва сонига, сафар мақсадига, фаолият соҳасига, шунингдек суғурта ҳодисаси юзага келиши таваккалчилиги даражасига таъсир кўрсатадиган бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

3.4. Шенген битими мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кундан ортиқ бўлмаган муддатга расмийлаштириладиган Полислар бўйича Такофул суғурта бадали миқдорини аниқлашда Полиснинг амал қилиш даврига қўшимча равишда қўшилган 15 (үн беш) кун ҳисобга олинмайди.

3.5. Такофул суғурта бадали Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади ва жами суғурта даври учун бир йўла тўланади.

3.6. Такофул суғурта бадали Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ АҚШ долларида ҳам тўланиши мумкин, бироқ Такофул суғурта бадали Полисда Такофул суғурта бадали тўланадиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича қайта ҳисобланган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади.

4-БЎЛИМ. ПОЛИСНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

4.1. Полис Иштирокчининг оғзаки мурожаати ёки ёзма тарздаги Ариза-анкетаси асосида расмийлаштирилади.

4.2. Полис Такофул суғурта бадали тўлангандан сўнг Иштирокчига берилади.

4.3. Иштирокчи Полисни олгандан сўнг Полисда кўрсатилган барча Суғурта қилинган шахсларни мазкур Суғурта қоидалари билан таништириши шарт. Ушбу талабни бузиш (бажармаслик) Суғурта қилинган шахсларни мазкур Суғурта қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди ва Такофул операторига мазкур Суғурта қоидалари шартлари билан танишмаганлик ва/ёки рози эмаслик борасида талаблар қўйиш учун асос бўла олмайди.

4.4. Иштирокчи/Суғурта қилинган шахс томонидан Полис йўқотилган тақдирда, Иштирокчининг/Суғурта қилинган шахснинг ёзма аризасига биноан Такофул оператори янги Полис беради. Янги Полис берилгандан сўнг йўқотилган Полис ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва Иштирокчи/Суғурта қилинган шахс олдида Такофул операторининг бирор-бир мажбуриятларини келтириб чиқармайди.

5-БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

5.1. Ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

5.2. Полисда ва ушбу Суғурта қоидаларида назарда тутилган масалалар бўйича ёки унга боғлиқ равишда, шу жумладан уни бажарилиши ёки бузилишига тааллуқли масалалар бўйича

низолар, талаблар ёки келишмовчиликлар юзага келган тақдирда, тарафлар уларни музокаралар йўли билан ҳал этиш чораларини кўради.

5.3. Низолар, талаблар ёки келишмовчиликларни ҳал этиш мумкин бўлмаган тақдирда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилиши лозим.

5.4. Агар бирор-бир юзага келган вазиятлар (холатлар) Полисда ёки ушбу Суғурта қоидаларида ўз аксини топмаган бўлса, Такофул оператори ўз ихтиёрига кўра ўзаро муросага келувчи қарор қабул қилишга ҳақли.

5.5. Суғурта қоидаларини ўзбек, рус ёки инглиз тилларида талқин қилишда тафовутлар юзага келган тақдирда, Суғурта қоидаларининг ўзбек тилидаги матни устувор кучга эга бўлади.

6-БЎЛИМ. СУҒУРТА СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТЛАРИ

6.1. Такофул оператори, Иштирокчи, Суғурта қилинган шахс ёки Наф олувчи ушбу Суғурта қоидалари бўйича суғурта муносабатларининг субъектлариdir.

6.2. Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик ёки муомилага лаёқатли жисмоний шахс ушбу Суғурта қоидалари бўйича Иштирокчи бўлиши мумкин бўлиб, у Такофул оператори билан шартномавий муносабатларга киришган ҳолда мазкур Суғурта қоидаларида белгиланган тартибда ва шартларда Такофул суғурта бадалини тўлайди.

6.3. Полис ўзининг фойдасига расмийлаштирилган жисмоний шахс Суғурта қилинган шахсдир. Агар Суғурта қилинган шахс вояга етмаган бўлса, тўланиши лозим бўлган суғурта таъминоти унинг ота-онасининг/васийларининг бирига тўланиши мумкин.

6.4. Суғурта қилинган шахс вафот этган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ суғурта таъминотини олишга ҳақли бўлган шахс Наф олувчидир.

6.5. Суғурта қилинган шахснинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган, унинг ҳаёти ва соғлигига зиён етказилиши билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари мазкур Суғурта қоидалари бўйича суғурта объектиdir.

7-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАВРИ

7.1. Суғурта даври Иштирокчининг ва/ёки Суғурта қилинган шахснинг хорижда бўлиши муддатига мутаносиб равишда, аммо бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланади.

7.2. Суғурта даври Полисда кўрсатилади, мазкур полис доимий яшаш мамлакатида бўлган ва келажакда хорижга саёҳат қилишни режалаштираётган шахслар учун ёки ҳозирда саёҳатда ва доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар учун харид қилиниши мумкин.

7.2.1. Полис доимий яшаш мамлакатида бўлган ва келажакда хорижга саёҳат қилишни режалаштираётган шахслар учун ушбу Суғурта қоидаларига мувофиқ харид қилинган тақдирда, суғурта даври Полисда суғурта даврининг бошланиши санаси сифатида кўрсатилган санадан эътиборан, аммо Суғурта қилинган шахс Полис амал қилиши ҳудуди чегарасидан кесиб ўтиши (саёҳат қилинаётган мамлакатга киришда чегара хизматларининг паспортда қўйган белгиси ёки чегарани кесиб ўтишга қадар саёҳат ҳудудида амалда бўлиши) пайтидан эрта бўлмаган ҳолда бошланади.

7.2.2. Полис ҳозирда саёҳатда ва доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар учун ушбу Суғурта қоидаларига мувофиқ янги муддатга (узайтириш учун) харид қилинган тақдирда, суғурта даври Такофул суғурта бадали тўланган кундан кейинги келадиган кунда 00:00:00 соатдан эътиборан, аммо Полисда суғурта даврининг бошланиши сифатида кўрсатилган санадан эрта бўлмаган ҳолда бошланади.

7.2.3. Полис ушбу Суғурта қоидаларига мувофиқ расмийлаштирилган Полисга эга бўлмаган, аммо ҳозирда саёҳатда ёки доимий яшаш мамлакатидан ташқарида бўлган шахслар

**«NEO INSURANCE CORP» АЖ НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ ТАКОФУЛ СУҒУРТА
ҚИЛИШ**

учун харид қилинган тақдирда, суғурта даврининг бошланиши Полисда кўрсатилган суғурта даври бошланиши санасидан қуйидаги муддатга кечиктирилади:

а) «COVID-19» билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда уч кунга кечиктирилади ва Полис расмийлаштирилган кундан кейинги келадиган тўртинчи кунда 00:00:00 соатда бошланади;

б) «COVID-19» билан боғлиқ бўлган ҳолларда ўн кунга кечиктирилади ва Полис расмийлаштирилган кундан кейинги келадиган ўн биринчи кунда 00:00:00 соатдан эътиборан бошланади.

Ушбу Суғурта шартларининг 4.2.3-бандида белгиланган суғурта муддатини кечиктириш даврида суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, Такафул оператори бошқарадиган тakaфул жамғармаси аризани қўриб чиқмайди ва суғурта тўловини амалга ошириш ҳамда суғурта мажбуриятларини бажаришдан тўлиқ озод этилади.

7.3. Суғурта даври Суғурта қилинган шахс Полиснинг амал қилиш худуди чегарасини кесиб ўтиши (борилган мамлакатдан чиқишида чегара хизматларининг паспортда қўйган белгиси) пайтидан эътиборан, аммо Полисда унинг амал қилиши даврининг тугаши санаси сифатида кўрсатилган кунда соат 23:59:59 кечикмай тугайди.

7.4. Агар суғурталанувчи суғурта муддати тугаш санасида суғурта ҳодисаси туфайли касалхонага ётқизилганлиги сабабли чет элдан қайтиб кела олмаса ва бу ҳолат тегишли тиббий хулоса билан тасдиқланса, Такафул оператори бошқарадиган Такафул жамғармаси ушбу Суғурта шартлари ва қоидалари асосида суғурта суммасигача бўлган суғурта мажбуриятларини бажаришни давом эттиради.

7.5. Полис Шенген битими мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кундан ортиқ бўлган муддатга расмийлаштирилганда, саёҳат кунлари сонига қўшимча 15 (ўн беш) кун қўшилади, улар Полиснинг амал қилиш даврида кўрсатилади.

7.6. Агар Полисда Суғурта қилинган шахснинг хорижга, Полиснинг амал қилиш даврида унинг саёҳат кунлари сонидан қатъий назар, қўп марта саёҳат қилиши назарда тутилган бўлса, у ҳолда суғурта даври танланган қўп марталик саёҳатлар дастурига («Multi» режаси) қуйидаги равишда боғлиқ бўлади:

Дастур номи	Полис амал қилиш муддати	Суғурта кунлари сони
1 Multi I	92 kun	30 kun
2 Multi II	183 kun	90 kun
3 Multi III	365 kun	15 kun
4 Multi IV	365 kun	30 kun
5 Multi V	365 kun	45 kun
6 Multi VI	365 kun	90 kun
7 Multi VII	365 kun	180 kun

7.7. Агар Полис Суғурта қилинган шахсни Полис амал қилиши мобайнида қўп марталик саёҳатларни назарда тутса, Такофул оператори фақат ушбу Қоидаларнинг 7.6-бандида келтирилган жадвалга мувофиқ Полисда кўрсатилган суғурта кунлари сони доирасида жавобгар бўлади. Суғурта худудидан ҳар бир чиқишида суғурта кунларининг мазкур сони Суғурта қилинган шахс суғурта худудида ўтказган кунлар сонига автоматик тарзда камаяди. Такофул операторининг суғурта тўловини тўлашни ташкиллаштириш бўйича мажбурияти Полисда кўрсатилган суғурта кунлари сони якунланганидан кейин тугайди.

7.8. Суғурта қуйидаги ҳолларда тўхтатилади:

7.8.1. Иштирокчи (Суғурта қилинган шахс) полисда кўрсатилган суғурта мамлакати худудидан ташқарида бўлганда;

7.8.2. Полисда кўрсатилган суғурта муддати тугагандা.

8-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАСТУРИ ВА ПОЛИСНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ҲУДУДИ

8.1. Суғурта дастури – тегишли суғурта пуллари билан бирга хизматлар мажмуаси бўлиб, у Суғурта қилинган шахсга ушбу Суғурта қоидалари доирасида тақдим этилиши мумкин.

8.2. Такафул оператори Иштирокчи томонидан танланган қуйидаги суғурта дастурларидан бири бўйича суғурта товони тўловини ташкил этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Иштирокчи томонидан танланган дастур суғурта Полисида кўрсатилади:

Барча суғурта хизматлари Еврода кўрсатилган

Суғурта дастурининг номи		Mini	Econom	Basic	Comfort	Premium	Schengen+
Суғурта қилинган битта шахс учун Суғурта суммаси:		20,000	35,000	50,000	60,000	100,000	100,000
Шу жумладан, вафот этиш ҳолати учун суғурта		300	500	1,000	2,000	5,000	30,000
№		Хизматлар рўйхати					
1	Тиббий хизматлар, шу жумладан:	5,000 гача	10,000 гача	22,000 гача	35,000 гача	50,000 гача	30,000 гача
1.1	стоматологик ёрдам	100 гача	100 гача	300 гача	500 гача	1,000 гача	30,000 гача
1.2	COVID-19 да ёрдам	йўқ	йўқ	3,000 гача	30,000 гача	45,000 гача	йўқ
2	Тиббий–транспорт ва бошқа хизматлар, шу жумладан:	12,700 гача	24,500 гача	27,000 гача	23,000 гача	45,000 гача	40,000 гача
2.1	тиббий эвакуация	1,000 гача	1,000 гача	3,000 гача	4,000 гача	9,000 гача	8,000 гача
2.2	кузатиб борувчи шахсни транспортда ташиш	1,000 гача	1,000 гача	4,000 гача	5,000 гача	9,000 гача	8,000 гача
2.3	Суғурта қилинган шахсни ва/ёки унинг вояга етмаган болаларини қайтариш	1,000 гача	2,000 гача	3,000 гача	4,000 гача	8,000 гача	7,000 гача
2.4	қидирув–куткарув тадбирлари	7,000 гача	10,000 гача	6,000 гача	2,000 гача	4,000 гача	3,000 гача
2.5	вактинча бўлиш мамлакатида дафн этиш	2,700 гача	7,500 гача	6,000 гача	2,000 гача	5,000 гача	4,000 гача
2.6	репатриация	2,000 гача	3,000 гача	5,000 гача	6,000 гача	10,000 гача	10,000 гача
2.7	Франшиза	-	-	-	-	-	30%

8.3. Полиснинг амал қилиш худуди Суғурта қилинган шахснинг бўлиб турган мамлакати ёки мамлакатларини англатиб, танланган Суғурта дастурига боғлиқ равища қуидаги худудий бўлинишлар бўйича аниқланади:

«**Mini**» - АҚШдан ташқари дунёning барча мамлакатларида амал қиласди;

«**Econom**» - АҚШдан ташқари дунёning барча мамлакатларида амал қиласди;

«**Basic**» – жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди, бундан Шенген битими мамлакатлари, шунингдек Лихтенштейн, Буюк Британия, Истроил, Япония, Австралия, Янги Зеландия, Канада ва АҚШ мустасно;

«**Comfort**» – жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди, бундан АҚШ мустасно;

«**Premium**» – жаҳоннинг барча мамлакатлари худудида амал қиласди;

«**Schengen +**» - Шенген келишуви мамлакатларида амал қиласди ва 30% миқдорида шартли франшизани ўз ичига олади.

8.4. Полиснинг амал қилиши Суғурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакати/ Суғурта қилинган шахс фуқароси бўлган мамлакат/Суғурта қилинган шахсга яшаш гувоҳномаси берган мамлакат худудида татбиқ этилмайди.

8.5. Полиснинг амал қилиши етиб бориш қийинлиги даражаси бўйича Шимолий ёки Жанубий қутблар билан таққосланиши мумкин бўлган ҳамда маҳсус транспорт ёки ускуна, ёрдамчи воситалар ва экспедиция билангина етиб бориш мумкин бўлган мамлакатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

9-БЎЛIM. СУҒУРТА ТЎЛОВИ ВА СУҒУРТА ТАЪМИНОТИ

9.1. Ушбу Суғурта қоидаларида назарда тутилган суғурта ҳодисаси юзага келган тақдирда, Суғурта дастурига кирадиган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммаси доирасида қуидаги хизматлар учун харажатлар тўланади, хусусан:

9.1.1. муассасада амбулатор ва стационар (фақат шошилинч операциялар) даволаниш учун, жумладан шифокор хизматлари (маслаҳатлари), шифокор томонидан кўрсатилган ташхислаш ва лаборатория тадқиқотлари, шифокор томонидан тайинланган дори-дармонлар (рецепт бўйича), боғлаш материаллари ва қотириб қўйиш воситалари (гипс, бандаж ва шу кабилар) учун кетадиган харажатлар, Суғурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатигача тиббий эвакуация қилиш мумкин бўлган ва/ёки муассасадан жавоб бериш пайтига қадар. Ушбу Қоидаларнинг 9.1.1-бандида назарда тутилган Суғурта қилинган шахс ташхисини аниқлаш учун ташхислаш тадбирлари қисмида 1000 (минг) Евро доирасида чеклов (лимит) белгиланади;

9.1.2. Суғурта қилинган шахсда ҳомиладорлик кечишида асоратлар юзага келган/ҳомиладорлик мажбурий равища тўхтатилган тақдирда, шошилинч ёрдам учун 700 (етти юз) Еврогача бўлган миқдорда, шу шарт биланки, ҳомиладорлик 32 (үттиз икки) ҳафтадан ошмаган бўлса, шунингдек мазкур воқеа баҳтсиз ҳодиса туфайли содир бўлган бўлса;

9.1.3. шошилинч стоматологик ёрдам учун, танланган Суғурта дастурида кўрсатилган суғурта суммаси доирасида;

9.1.4. Суғурта қилинган шахсни воқеа жойидан энг яқин муассасагача ёки энг яқин жойдаги шифокоргача, ёки бир муассасадан иккинчисига (вақтинча бўлган мамлакат доирасида), ёхуд доимий яшаш мамлакатигача тиббий эвакуация қилиш учун. Бунда шошилинч ёрдам зарурлиги шарти билан, тиббий эвакуациянинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор фақат Такофул операторининг ваколатли шифокорлари томонидан қабул қилинади. Агар учинчи шахс Такофул оператори билан келишмаган ҳолда тиббий эвакуацияни ташкиллаштиrsa, Такофул оператори харажатларни ўзи Ассистанс хизмати ёрдамида тиббий эвакуацияни таъминлай олиши мумкин бўлган энг кам сумма доирасидаги тўловини ташкиллаштиради;

9.1.5. Суғурта қилинган шахсни тиббий эвакуация қилишда кузатиб борувчи шахсни ташиш учун, башарти бундай кузатиб бориш даволовчи шифокор кўрсатмасига биноан зарур бўлса;

9.1.6. Суғурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатига қайтиб келиши учун, башарти у ушбу Суғурта қоидаларининг 2.4-бандида кўрсатилган сабаблар туфайли касалхонага ётқизилганлиги боис сотиб олинган чипталардан фойдаланиш имкониятини йўқотган бўлса. Такофул оператори Суғурта қилинган шахсга илгари сотиб олинган чипталар қиймати қопланишини ташкиллаштириб бермайди ва битта Суғурта қилинган шахсга эконом тоифадаги йўлкира ҳақини қоплаган ҳолда teng қимматли транспорт тури учун тўловни ташкиллаштириб беради.

Бунда Суғурта қилинган шахсда «COVID-19» ташхисланган тақдирда, чипталар қийматини қоплаб бериш ёки тўлаб бериш суммаси битта Суғурта қилинган шахсга 900 (тўққиз юз) Евродан ортиқ бўлмаган сумма билан чекланган. Агар илгари сотиб олинган чипталарни қайтариш ёки алмаштириш мумкин бўлса, Такофул оператори чипталарни алмаштириш учун қўшимча тўланиши зарур бўлган суммани тўланишини ташкиллаштириб беради.

Агар суғурталанган шахс қандайдир сабабга кўра тakaфул оператори бошқараётган тakaфул фонди томонидан унинг учун харид қилинган авиачиптадан воз кечса, тakaфул оператори тakaфул фонди номидан харид қилинган чиптани бекор қилиш ва суғурталанган шахсга кейинги суғурта хизматларини кўрсатишни рад этиш ҳукуқига эга. Бундан ташқари, агар суғурталанган шахс ўз режаларига мос келмаслиги, парвоз, уланишлар, йўналиш ва бошқа сабабларга кўра авиачиптанинг санасини бошқа кунга ўзгаришишни сўраса, тakaфул оператори тakaфул фонди номидан суғурталанувчига суғурта хизматларини кўрсатишни рад этиш ва харид қилинган чиптани бекор қилиш ҳукуқига эга.

9.1.7. эконом тоифадаги йўлкира ҳақи учун:

а) Суғурта қилинган шахснинг вояга етмаган фарзандлари Суғурта қилинган шахс билан содир бўлган суғурта ҳодисаси туфайли илгари сотиб олган чипталардан фойдаланиш имкониятини кўлдан чиқарган ва қаровсиз қолиб кетган ҳолларда уларнинг доимий яшаш мамлакатига етиб келиши учун;

б) Суғурта қилинган шахс билан суғурта ҳодисаси юз бериши муносабати билан Суғурта қилинган шахснинг вояга етмаган фарзандлари қайтиб келишида зарур бўлган уларни кузатиб борувчи битта шахс учун.

Бунда Такофул оператори эконом тоифадаги йўлкира ҳақини қопланишини ташкиллаштирган ҳолда фақат унга teng қимматли транспорт тури учун тўловини ташкиллаштириб беради. Агар илгари сотиб олинган чипталарни қайтариш ёки алмаштириш мумкин бўлса, Такофул оператори чипталарни алмаштириш учун қўшимча тўланиши зарур бўлган суммани тўлаб берилишини ташкиллаштиради;

9.1.8. Суғурта қилинган шахсни қидириш ва қутқариш учун зарур бўлган чоратадбирларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун;

9.1.9. Суғурта қилинган шахсни Полиснинг амал қилиш худудида дағн қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни ўтказиш учун, бундан диний маросимлар мустасно;

9.1.10. Суғурта қилинган шахсни репатриация қилиш учун, шунингдек 12.1.1, 12.1.2, 12.1.13, 12.1.18, 12.1.19, 12.2, 12.3 бандларда кўрсатилган ҳодисалар натижасида ўлим ҳоллари ва Суғурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатида диний маросимларни ўтказиш ва дағн этиш бундан мустасно. Агар учинчи шахс Такофул оператори билан келишмаган ҳолда репатриацияни ташкиллаштиrsa, Такофул оператори харажатларни ўзи Ассистанс Хизмати ёрдамида репатриацияни таъминлай олиши мумкин бўлган энг кам сумма доирасида тўлаб берилишини ташкиллаштиради.

9.1.11. эпидемик ёки вирус касалликларида (эпидемиялар, пандемияларда) тахлилларни (тестлар ва бошқаларни) топшириш, ташхис қўйиш, даволаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек карантинга жойлаштирилганда.

Бунда қуидагилар қопланиши ёки тұланиши лозим:

а) эпидемик ёки вирус касаллиги мавжудлигини ёки мавжуд әмаслигини тасдиқлаш мақсадида шифокор томонидан тайинланган тестлар (тахлиллар) учун харажатлар;

б) Суғурта қилинган шахсни 14 (үн түрт) кундан ортиқ бўлмаган муддатга меҳмонхонада ёки карантин учун маҳсус ажратилган хонага жойлаштириш билан боғлиқ харажатлар (маиший харажатлар ва овқатланиш учун харажатлардан ташқари).

9.2. Жарроҳлик операцияси шошилинч бўлганлиги ва тиббий эвакуация ташкил этилгандан сўнг Суғурта қилинган шахснинг доимий яшаш мамлакатида ўтказилиши мумкин бўлмаганлиги шарти билан Такофул оператори жарроҳлик операциялари учун тиббий харажатларни тўлашни ташкиллаштиради, яъни тўлов операциянинг дарҳол ўтказилмаслиги Суғурта қилинган шахснинг хаётига хавф solaётган бўлса ёки унинг соғлигининг жиддий бузилиши эҳтимоли мавжуд бўлса, амалга оширилади.

9.3. Оператор Такафул дори-дармон воситаларининг тўловини фақатгина улар шифокор томонидан ёзилган рецепт асосида сотиб олинган ҳолда ташкиллаштиради.

9.4. Такофул оператори Ассистанс хизматида ҳамкорлик тўғрисида шартномалар тузилмаган Туркия ва Мисрдаги тиббиёт марказлари, клиникалар ва хусусий амалиёт шифокорлари томонидан тақдим этилган тиббий хизматлар учун харажатларни Такофул оператори фақат Ассистанс хизмати ёрдамида олинган худди шундай хизматлар ҳақини тўлаган ҳолда харажатларни қоплаб бериши мумкин бўлган микдорда тўлашни ташкиллаштириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

9.5. Такофул операторининг суғурта тўловини/суғурта таъминотини амалга оширишни ташкиллаштириш бўйича мажбурияти суғурта даври ва Полиснинг амал қилиш ҳудудида содир бўлган суғурта ходисаларига нисбатан амал қиласи.

10-БЎЛИМ. СПОРТНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

10.1. Суғурта қилинган шахснинг фаол ҳордиқ чиқариш давомида юзага келган харажатлари ушбу Суғурта қоидалари билан автоматик равишда қопланади. Бунда фаол ҳордиқ чиқариш деганда, мазкур Суғурта қоидалари доирасида, саёҳат даврида бўш вақтни спорт кўнгилочар тадбирларда иштирок этиш ва фаолиятнинг фаол турлари билан шуғулланиш (ҳар қандай профессионал мусобақаларга тайёрланиш ва иштирок этиш бундан мустасно) билан ўтказиш усули тушунилади.

10.2 Такафул Оператори томонидан бошқариладиган Такафул жамғармаси суғурталанувчининг профессионал спорт фаолияти давомида ушбу Суғурта шартлари ва қоидаларининг 2.12-бандида кўрсатилган хизматлар, шу жумладан мусобақалар ва тренингларда иштирок этиш, маҳсус ишлаб чиқилган ва жиҳозланган қияликларда чанғи ва сноубордда учиш учун қилган харажатларини қоплайди, бунда Такафул суғурта мукофоти ортиб борувчи коэффицентни қўллаган ҳолда тўланади ва Сиёсатнинг «Маҳсус шартлар» устунида «Спорт» ёзуви мавжуд бўлади.

Ушбу Суғурта қоидалари доирасида профессионал спорт деганда, спорт мусобақаларига тайёрланиш ва уларда иштирок этиш учун контракт асосида иш ҳақини ёки бошқа пул мукофотларини оладиган спортчи учун асосий фаолият тури бўлган спорт фаолияти тушунилади.

10.3. Такофул суғурта бадалини кўпайтирувчи коэффицентни қўллаган ҳолда тўлаш ва Полиснинг «Маҳсус шартлар» катагида «Спорт» деган ёзув қайди мавжуд бўлиши шарти билан Такофул оператори томонидан Суғурта қилинган шахснинг квадрацикллар, мотороллёрлар, мопедлар, скутерлар, сув скутерларида ҳаракатланиш давомида юзага келган, ушбу Суғурта қоидаларининг 2.12-бандида кўрсатилган хизматларга қилган харажатлари қоплаб берилиши ташкиллаштирилади.

10.4. Мазкур Суғурта қоидалари бўйича, Суғурта қилинган шахснинг маҳсус мўлжалланмаган ва жиҳозланмаган трассаларда тоғ чанғиларида ва сноубордда учиш, 30

(үттиз) метрдан ортиқ чукурлиқда сув остида сузиш ва шўнғиши, шунингдек спортнинг шу турлари билан Шимолий Муз океанида ва унга туташ дengизларда шуғулланиш, регби, сёрфинг, альпинизм, спелеология, хелиборд, мотоспорт, даунхилл, кайтборд билан шуғулланиш, учиш аппаратлари ва мосламаларида учиш (самолётда йўловчи сифатида учиш бундан мустасно), парашютда сакраш, бобслей, планеризм, дельтапланеризм, парапланеризм, параглайдинг, автоспорт, бокс, кикбоксинг, таиландча бокс, қоидаларсиз жанглар, ҳаво шарида учиш (йўловчи сифатида эмас), видсёрфинг билан шуғулланиш, акробатик элементлардан ташкил топган фигуralарни қўллаган ёки қўлламаган ҳолда баландликдан сакраш, тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ бўлган спорт турлари (бундан буён матнда спортнинг маҳсус турлари деб юритилади) билан шуғулланиш натижасида юзага келган харажатлари қоплаб берилмайди. Агар 10.1 ва 10.2-бандларида қайд этилган жисмоний фаолликдан гарчи биттасига баландликдан сакраш, акробатик элементлар киритилган бўлса, у ҳолда мазкур фаоллик спортнинг маҳсус турларига қўшилади ва ушбу Суғурта қоидалари билан қопланмайди.

11-БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

11.1. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган, лекин қуйида келтирилган омилларнинг исталганининг бевосита ёки билвосита оқибати бўлган воқеа юзага келган тақдирда, суғурта тўлови/суғурта таъминоти амалга оширилмайди:

11.1.1. тўғридан-тўғри тиббий қарши кўрсатмалар мавжудлигига қарамай саёҳатга чиқилганда, Суғурта қилинган шахс соғлиғининг ёмонлашиши ёки унинг вафот этиши муносабати билан қилинган харажатлар;

11.1.2. агар баҳтсиз ҳодиса ёки тўсатдан касалланиш юз берганида Суғурта қилинган шахс организмида алкоголь, наркотик ёки психотроп моддаларнинг мавжудлиги қайд этилса, ёхуд шифокор томонидан ёзиб берилмаган дори-дармонлардан фойдаланилганлиги қайд этилса, ушбу ҳолат содир бўлган воқеага таалкуқли бўлган тиббий хulosаларда/билдиргиларда акс эттирилиши, гувоҳлар кўрсатмаларида ва бошқа ҳужжатларда қайд қилиниши мумкин;

11.1.3. руҳий касалликлар ва ҳолатларда, эпилепсия (бирламчи ва симптоматик), неврозлар (ваҳима хуружлари, тушкунлик, жазавага тушишлар ва бошқалар), шунингдек марказий асаб тизими касалликларида;

11.1.4. ҳомиладорлик (ушбу Суғурта қоидаларининг 8.1.2-бандида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари), туғиш ва/ёки аборт билан бевосита боғлиқ бўлган, шунингдек оилани режалаштириш ва бепуштликни даволашга боғлиқ бўлган хизматлар учун харажатлар билан бевосита боғлиқ ҳар қандай воқеалар/оқибатлар;

11.1.5. жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар ва унинг оқибатлари, таносил касалликлари, ОИТС ва ОИВ келтириб чиқарган барча касалликлар;

11.1.6. Суғурта қилинган шахсга маълум бўлганлиги ёки бўлмаганлигидан қатъи назар, онкологик касалликлар, ўсмалар (хавфли ва хавфсиз);

11.1.7. тиббий нуқтаи назардан зарур деб ҳисобланмаган ёки шифокор томонидан тайинланмаган хизматларни тақдим этиш, шунингдек шошилинч бўлмаган жарроҳлик операциялари;

11.1.8. реабилитация тадбирлари учун харажатлар;

11.1.9. органларни кўчириб ўтказиш (трансплантация) учун харажатлар;

11.1.10. Суғурта қилинган шахс суғурта ҳодисаси туфайли мурожаат этганлиги муносабати билан у даволовчи шифокордан олган кўрсатмалар бажарилишини ихтиёрий равишда рад этиш оқибатида юзага келган харажатлар;

11.1.11. ҳар қандай профилактика тадбири, эмлаш, дезинфекция, санатория-курортда даволаниш, тикловчи ва соғломлаштирувчи даволаш, гелиотерапия, сув билан даволаш, физиотерапия, мануал терапия, ҳар қандай турдаги уқалашлар (массаж) ва шу кабилар;

11.1.12. ташхис кўрсатилмаган ҳолда ноанъанавий тиббиёт усуулари билан даволаш ёки аниқланган ташхисга мос келмайдиган даволаш;

11.1.13. косметик/пластик жарроҳлик, ташқи қиёфадаги камчиликларни ёки танадаги нуқсонларини бартараф этиш билан, шунингдек ҳар қандай турдаги протезлаш, шу жумладан кўз ва тишларни протезлаш билан боғлиқ даволашлар;

11.1.14. Суғурта қилинган шахсни даволаш учун наслий ва/ёки туғма касалликларнинг, аномалиялар ва органлар ривожланишидаги нуқсонларнинг зўрайиши ёки асоратлари оқибатида юзага келган харажатлар;

11.1.15. сурункали касалликлар ва/ёки уларнинг зўрайиши/асоратлари, ва/ёки уларнинг намоён бўлишининг бошқа шакллари ва турлари. Суғурта қилинган шахсда сурункали касалликлар зўрайган/асорат қолдирган ҳолларда Такофул оператори 700 (етти юз) Евро доирасида хизматлар кўрсатилишини ва/ёки харажатларини тўлаб берилишини ташкиллаштиради;

11.1.16. мураккаб даволашни ва/ёки стационарда узоқ вақт бўлишни, шу жумладан кардиожарроҳлик тезкор даволашни (жумладан ангиография, ангиопластика, шунтлашни ва шу кабиларни), шунингдек илгари ўтказилган қон айланиш тизими касалликлари оқибатида юзага келган эрта ва кечки асоратларни даволашни ва жарроҳлик аралашувларини талаб этадиган қон айланиш тизими касалликлари (артериал гипертония ва гипотензия бундан мустасно);

11.1.17. узоқ вақт давомида содир бўладиган ва/ёки мураккаб даволашни ва/ёки тиббиёт муассасасида узоқ вақт бўлишни талаб этадиган бошқа касалликларнинг мавжудлиги билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган касалликлар (инфаркт, инсульт, қандли диабет, буйрак етишмовчилиги, сил, жигар циррози, вирусли гепатит, ҳар қандай турдаги аневризмалар, эндокрин касалликлар ва шу кабилар). Юқорида кўрсатилган касалликлар ilk бор аниқланганда, Такофул оператори 700 (етти юз) Евро доирасида хизматлар кўрсатилишини ташкиллаштиради ва/ёки Суғурта қилинган шахснинг харажатларини тўлаб берилишини ташкиллаштиради;

11.1.18. Суғурта қилинган шахс касалликлар оқибатида ўз саёҳати бошланишига қадар даволанган ёки агар назарда тутилган саёҳат Суғурта қилинган шахсга саломатлиги ҳолати бўйича мумкин бўлмаган тақдирда;

11.1.19. даволаш учун саёҳат амалга оширилган касаб касалликлари, шунингдек ҳар қандай бошқа касалликлар;

11.1.20. кўриш қобилиятини яхшилаш учун мосламалар (кўзойнаклар, гардишлар, линзалар, лупалар ва шу кабилар) ва бошқа ёрдамчи воситаларнинг (протезлар, кўлтиқтаёқлар, аравачалар ва шу кабиларнинг) тақдим этилиши;

11.1.21. витаминлар, озиқ-овқат қўшимчалари, озиқ-овқатларни бойитувчилар, ўсимлик маҳсулотлари, гомеопатия воситаларини харид қилиш;

11.1.22. Суғурта қилинган шахснинг эпидемиялар ва ўлат, вабо, қора чечак, сариқ беззак, геморрагик беззак, куйдирги, тепкили ичтерлама ва бошқалар каби ўта хавфли ва тропик касалликлар муносабати билан қиласиган харажатлари;

11.1.23. Суғурта қилинган шахснинг эпидемик касалликларни (пандемияларни) даволаш, табиий офтальмлар ва уларнинг оқибатлари, карантин, метеоритлар ва бошқа космик жисмларнинг/объектларнинг қулаб тушиши билан боғлиқ харажатлари.

11.1.24. Суғурта қилинган шахс томонидан у доимий яшаш мамлакатига қайтиб келгандан сўнг, шунингдек суғурта даври тугагандан сўнг амалга оширилган даволаш учун харажатлари.

11.1.25. Инсон танасидаги дерматологик касалликлар ва тошмалар, герпес, тери касалликлари (псориаз, нейродермит, экзема, микозлар, қадоқлар, папилломалар, сўгаллар, холлар, кондиломалар, ҳуснбузар, тирноқ атрофи ялиғланиши, ўсиб кирган тирнок, юқумли моллюска, темиратки);

11.1.26. Қулоқ кири тиқинларини ташхислаш ва даволаш;

11.1.27. Йўл-транспорт ҳодисаси (ёки бошқа транспорт ҳодисаси, шу жумладан автомобиль, велосипед, мотоцикл, мопед, мотоарава, қорли транспорт воситаси, катер, моторли кайик, мото-скутер, сув скутери, электр-скутер, электр-самокат ва ҳоказолардан фойдаланиш билан боғлиқ) натижасида содир бўлган ҳодисалар, агар Суғурта қилинган шахс Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли хуқуқларга эга бўлмаган ҳолда ёки маст ҳолатда (алкоголь, гиёхванд модда, психотроп модда таъсирида) транспорт воситасини бошқарган бўлса ёки бошқарувни бундай хуқуқларга эга бўлмаган ёхуд маст ҳолатдаги шахсга топширган бўлса, ёки Суғурта қилинган шахс хавфсизлик воситаларидан (хавфсизлик камари, шлем, каска, қутқарув нимчаси, шунингдек транспорт воситасидан фойдаланиш қоидаларида назарда тутилган бошқа хавфсизлик воситалари) фойдаланиш имконияти бўла туриб, улардан фойдаланмаган бўлса;

11.1.28. Тўсатдан касалланиш ёки баҳтсиз ҳодиса билан боғлиқ бўлмаган дезинфекция, профилактик эмлашлар, тиббий экспертизалар, лаборатория ва диагностика текширувлари ўтказиш. Суғурта қилинган шахснинг ҳаётига хавф туғилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай вазиятда, Такофул операторининг жавобгарлиги ҳар бир суғурталанган шахс учун кутуриш ва қоқшолга қарши вакциналарни сотиб олишда 50 (эллик) евро билан чекланади;

11.2 Такафул Оператори томонидан бошқариладиган Такафул фонди харажатларни қопламайди ва қуйидаги ҳолатлар суғурталанувчи билан содир бўлган бўлса, суғурта ҳодисаси сифатида тан олинмайди:

11.2.1. ўз жонига қасд қилишга уриниш ёки ўз жонига қасд қилишда;

11.2.2. бирор-бир ҳарбий тузилмада хизмат вазифаларини ўташда;

11.2.3. жисмоний ишни бажаришда, агар Полиснинг «Махсус шартлар» катагида «Иш» деб кўрсатилмаган бўлса.

11.3. Қуйидаги ҳолатларда суғурта полисида "Work" алоҳида белгиси мавжуд бўлса, суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

11.3.1. агар суғурта ҳодисаси суғурта полисида кўрсатилган мамлакатдан ташқарида содир бўлган бўлса;

11.3.2. агар Суғурта қилинган шахс меҳнат фаолиятини ноқонуний равишда ёки расмий ишга жойлашмасдан амалга оширган бўлса;

11.3.3. агар Суғурта қилинган шахс зарур рухсатномасиз меҳнат фаолиятини амалга оширган бўлса, бундай рухсатнома талаб қилинадиган ҳолларда;

11.3.4. агар Суғурта қилинган шахс ўзини ўзи банд қилган, бироқ давлат органларида тегишли рўйхатдан ўтмаган бўлса;

11.4. Такафул Оператори томонидан бошқариладиган Такафул фонди қуйидаги сабабларга кўра амалга оширилган харажатларни бевосита ёки билвосита қопламайди:

11.4.1. террористик ҳаракатлар туфайли (якка ўзи ёки бирор бир ташкилотга ёки хукуматга боғлиқ равишда ёхуд унинг номидан ҳаракат қилувчи ҳар қандай шахс ёки шахслар гурухи томонидан сиёсий, диний, мафкуравий ёки этник ғоялардан келиб чиқиб ва хукуматга таъсир кўрсатиш ёки жамиятга ёхуд унинг бирор қисмига таҳдид солиши фикрида куч ишлатиш ва зўравонлик қилиш), шу жумладан террористик ҳаракатнинг олдини олиш бўйича тадбирлар туфайли юзага келган зарап ҳам қоплаб берилмайди;

11.4.2. уруш, чет эллик душманнинг бостириб кириши, ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъий назар), фуқаролар урушлари, қўзғолонлар, инқилоблар, исёнлар ва фуқаролар ғалаёнлари туфайли;

11.4.3. Суғурта қилинган шахснинг гаровда ва жиноятларда, шунингдек муштлашишларда иштироқи оқибатида рўй берган баҳтсиз ҳодисалар туфайли, бундан ўзининг фуқаролик бурчини бажариш ёки ўзининг (ёхуд учинчи шахсларнинг) ҳаёти, соғлиғи, ор-номусини химоя қилиш мақсадида амалга оширилган ҳаракатлар мустасно;

11.4.4. Суғурта қилинган шахс алкоголь, наркотик, токсик ёки бошқа мастлик ҳолатида ва/ёки транспорт воситасини бошқариш учун тегишли рухсатномасиз/ҳайдовчилик гувоҳномасиз транспорт воситасини бошқариши оқибатида содир бўлган, шунингдек

Суғурта қилинган шахс томонидан транспорт воситасини бошқариши юқорида айтиб ўтилган ҳолатда бўлган ва/ёки юқорида айтиб ўтилган рухсатномасиз/ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бўлган учинчи шахсларга бериши оқибатида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар туфайли;

11.4.5. Суғурта қилинган шахс томонидан суғурта ҳодисасининг юзага келишига сабаб бўлган ғайриконуний қилмишлар содир этилиши туфайли, шу жумладан мамлакатдан ташқарига чиқишга рухсат берувчи қалбакилаштирилган ҳужжатлар, жумладан ПЗР тестлари Такофул оператори томонидан аниқланган тақдирда;

11.4.6. Суғурта қилинган шахснинг соғлиғи ҳолатига ёки унга қўрсатилган тиббий ва унга боғлиқ бўлган хизматларга тааллуқли бўлган ҳамда била туриб сохта маълумотлар акс эттириб қўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилиши туфайли;

11.4.7. Суғурта ҳодисасининг юзага келганилигини ва суғурта ҳодисаси оқибатида келиб чиқсан заарлар ҳажмини тасдиқловчи зарур ҳужжатларнинг тақдим этилмаганлиги туфайли;

11.4.8. Такофул оператори томонидан мазкур Суғурта қоидаларининг 13.7–13.8-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар сўралганда, уларни тақдим этмаслик туфайли;

11.4.9. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилган бошқа ҳолларда.

11.5. Ушбу Суғурта шартлари ва қоидаларига мувофиқ тақафул оператори томонидан бошқариладиган тақафул фонди билвосита заарлар, бой берилган фойда, пеня, жарима, пеня ва бошқа молиявий санкциялар учун жавобгарликдан озод қилинади ва уларни қопламайди.

12-БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАЊВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

12.1. Суғурта қилинган шахс ёки унинг вакили суғурта воқеаси юз берганида Полисда қўрсатилган телефон рақамлари ёки бошқа алоқа воситалари орқали Ассистанс хизматига мурожаат қиласи ҳамда имкон қадар операторга қуидагиларни маълум қилган ҳолда содир бўлган воқеа тўғрисида хабардор қиласи:

- ёрдамга муҳтоҷ бўлган Суғурта қилинган шахснинг фамилияси ва исми;
- Полис рақами ва суғурта даври;
- Такофул оператори номи;
- содир бўлган воқеа ҳолатларининг тавсифи ва талаб этилаётган ёрдамнинг характеристи;
- жойлашган ери ва қайтиб алоқага чиқиши учун телефон рақами.

12.2. Маълумот олгандан сўнг Ассистанс хизмати Суғурта қилинган шахсга мазкур Суғурта қоидаларида назарда тутилган зарур хизматлар қўрсатилишини ташкиллаштиради, шунингдек Суғурта қилинган шахснинг харажатларини Полис шартларига мувофиқ тўлаб беришни ташкиллаштиради.

12.3. Шифокор билан маслаҳатлашиш ёки шифохонага жўнашга қадар Ассистанс хизматига қўнғироқ қилишнинг иложи бўлмаса, Суғурта қилинган шахс биринчи имкониятдаёқ Ассистанс хизматига қўнғироқ қилиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳисобвараклар/харажатлар тўланишига қадар Суғурта қилинган шахс содир бўлган ҳолат ҳақида Ассистанс хизматига ёки Такофул операторига хабар бериши ҳамда тиббий ходимларга Полисни тақдим этиши лозим.

12.4. Ассистанс хизмати билан алоқага чиқишининг иложи бўлмаса, Суғурта қилинган шахс суғурта воқеаси билан боғлиқ бўлган харажатларни мустақил тўлаши мумкин. Суғурта қилинган шахс ушбу ҳолда содир бўлган ҳолат тўғрисида Такофул операторига ёзма тарзда мурожаат этади.

12.5. Ариза Такофул операторига суғурта воқеаси юзага келган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь куни ичида, аммо Суғурта қилинган шахс саёҳатдан қайтиб келган кундан эътиборан 30 (ўттиз) календарь кунидан кеч бўлмаган муддатда тақдим этилиши лозим.

12.6. Суғурта воқеасига боғлиқ равишда аризага қуидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

12.6.1. Суғурта қилинган шахс саёхатда юрганида тўсатдан касалланганида ва/ёки у билан баҳтсиз ҳодиса содир бўлганида:

- а) Полис ёки унинг нусхаси;
- б) Суғурта қилинган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси (асли ҳам тақдим этилиши шарт);
- в) муассасадан олинган ҳисоб-маълумотноманинг асли, унда зарур маълумотлар (беморнинг фамилияси, ташхис, хизматлар учун мурожаат этилган сана, даволаниш давомийлиги ва шу кабилар) кўрсатилган бўлиши лозим;
- г) ушбу касаллик билан боғлиқ равишда шифокор томонидан ёзиб берилган рецептнинг асли;
- д) муассаса томонидан берилган ҳисобварағининг асли, кўрсатилган хизматлар санаси, номи ва қиймати алоҳида-алоҳида кўрсатилган ҳолда;
- е) хизматлар ҳаки тўланганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асли (тўланганлиги тўғрисида штамп, пуллар олинганлиги тўғрисида тилхат ёки пуллар ўтказилганлиги тўғрисида банк тасдиқномаси ва ҳоказо);
- ж) муассаса томонидан берилган Суғурта қилинган шахс организмида алкоголь, наркотик, токсик ёки бошқа маст қиласидан моддаларнинг йўқлигини тасдиқловчи хулоса ёки бошқа ҳужжат – Суғурта қилинган шахс исталган турдаги транспорт воситасини бошқариши оқибатида у билан баҳтсиз ҳодиса содир бўлганда;

12.7. 12.6-бандда кўрсатилган ҳужжатлар рус ва инглиз тилларидан ташқари бошқа чет тилларда тузилган бўлса, улар Такофул оператори талабига биноан Аризачининг (Иштирокчининг/Суғурта қилинган шахснинг/Наф олувчининг) маблағлари ҳисобидан таржима қилиниб тасдиқланиши лозим.

12.8. Зарур ҳолларда ва ҳолатларни ойдинлаштириш, шунингдек зарар миқдорини аниқлаш ҳамда суғурта таъминотини амалга ошириш масаласини тартибга солиш мақсадида, Такофул оператори ушбу Суғурта қоидаларининг 12.6-бандида кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни ҳам талаб қилишга ҳақли.

12.9. Зарур ҳолларда Такофул оператори тақдим этилган ҳужжатларни текширишга, суғурта воқеаси ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлган ташкилотлардан маълумотлар сўраб олишга, шунингдек Суғурта қилинган шахсни тиббий текширувдан ўтказишга ҳақли.

12.10. Суғурта воқеасининг характеристи ва ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда, Такофул оператори ушбу Суғурта қоидаларининг 12.7-банди талабларига риоя этган ҳолда 12.6-бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини/ахборотни талаб қилмаган ҳолда, содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиши ёки тан олмаслиги (ёки суғурта таъминотини амалга оширишни рад этиш) тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

12.11. Ҳар қандай ҳолатда ҳам суғурта ҳодисасининг юз берганлиги фактини, Такофул операторининг суғурта таъминотини амалга ошириш бўйича жавобгарлигини ва зарарлар миқдорининг асосланганлигини исботлаш Иштирокчи/Суғурта қилинган шахс/Наф олувчи зиммасида бўлади.

12.12. Агар Суғурта қилинган шахс ушбу Суғурта қоидалари 12.5-бандининг талабларини бузган ҳолда суғурта воқеаси тўғрисида ариза берган бўлса, Такофул операторига эртароқ мурожаат этиб хабар беришнинг иложи бўлмаганлигини исботлаб бериш Суғурта қилинган шахснинг зиммасида бўлади.

12.13. Агар суғурта ҳодисасининг юз беришига сабаб бўлган фактлар бўйича жиноят иши қўзғатилган ёки Суғурта қилинган шахсга нисбатан суд жараёни бошланган бўлса, суғурта таъминотини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш тергов ёки суд жараёни тугагунга қадар кечикирилиши мумкин.

12.14. Суғурта таъминотини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор Иштирокчига/Суғурта қилинган шахсга/Наф олувчига ёзма шаклда, Такофул операторига суғурта таъминотини тўлаб беришни ташкиллаштиши учун мурожаат этган пайтдан

эътиборан 15 (ўн беш) календарь куни ичида, ушбу Суғурта қоидаларида белгиланган тартибда хабар қилинади, ва у рад этишнинг асослантирилган сабабларини ичига олиши лозим.

13-БЎЛИМ. СУҒУРТА ТАЪМИНОТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

13.1. Суғурта таъминоти Такофул оператори ва суғурта таъминотини олишга ҳақли бўлган шахс томонидан имзоланган Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома асосида Такофул оператори томонидан суғурта воқеаси суғурта ҳодисаси деб тан олинган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) календарь куни ичида амалга оширилади.

13.2. Суғурта таъминоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда, харажатлар амалга оширилган чет эл валютасига нисбатан Такофул суғурта бадали тўланадиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, Аризачининг (Иштирокчининг/Суғурта қилинган шахснинг/Наф олувчининг) банкдаги ҳисобварафига бир йўла пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

13.3. Агар харажатлар амалга оширилган чет эл валютаси курси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланмаган бўлса, у ҳолда тарафлар томонидан ушбу чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўмга нисбатан курснинг белгиланиши манбаси аниқланади ва ушбу ҳол Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

13.4. Ушбу Суғурта қоидаларининг 9-бўлими бўйича суғурта таъминоти Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда, Еврова нисбатан Такофул суғурта бадали тўланадиган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича, Наф олувчининг банкдаги ҳисобварафига бир йўла пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

13.5. Суғурта қилинган шахсга кўрсатилган хизматлар учун муассасага тўланган ҳар бир тўлов Суғурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммасини тўланган тўлов миқдорига камайтиради.

13.6. Такофул фондидан бир ёки бир нечта суғурта ҳодисалари бўйича амалга оширилган суғурта тўловининг/суғурта таъминотининг умумий миқдори Суғурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммаси миқдоридан ошмаслиги лозим.

13.7. Суғурта таъминоти амалга оширилгандан сўнг, ушбу Суғурта қоидаларининг 12.6-бандда кўрсатилган хужжатларнинг асли Иштирокчига/Суғурта қилинган шахсга/Наф олувчига қайтарилмайди.

14-БЎЛИМ. ПОЛИСНИ ТУГАТИЛИШИ ВА БЕКОР ҚИЛИНИШИ

14.1. Полиснинг амал қилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига назарда тутилган ҳолларда тўхтатилади.

14.2. Полис Иштирокчининг ёзма аризасига биноан исталган пайтда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

14.3. Такофул суғурта бадалини тўлиқ/қисман қайтариш Иштирокчи томонидан Полис Такофул операторига қайтарилиши шарти билан ҳисобварақга (пластик картага, банкдаги ҳисобварақга ёки талаб қилиб олинадиган ҳисобварақга) пул маблағларини бир йўла ўтказиш йўли билан қуйидаги тартибда ва ҳолларда амалга оширилади:

- Такофул фондининг ортиқча маблағларидаги иштирокчининг улуши такофул фондидаги иштирокчининг улушига мутаносиб равишда белгиланади;

- такофул фондидаги иштирокчининг улуши такофул суғурта бадалини тўлаш кунидаги такофул фондидаги такофул суғурта бадалининг (суғурта мукофотлари) улушини аниқлаш йўли билан аниқланади. Агар такофул суғурта бадалини тўлаш вақтида Такофул фонди ҳажми кўрсаткичи нолга teng бўлса ёки манфий (минус) натижага эга бўлса, у ҳолда иштирокчининг Такофул фондидаги улуши нолга teng деб ҳисобланади;



**«NEO INSURANCE CORP» АЖ НИНГ
САЁХАТЧИЛАРНИ ТАКОФУЛ СУҒУРТА
ҚИЛИШ**

- келгусида такофул фондидағи иштирокчининг улуси Такофул операторининг бошқа мижозларидан тушган тушумга ва Такофул фондидан қилинган суғурта тўловларига мувофиқ мутаносиб равишда ўзгаради;

- Агар бирон бир узоқ муддатли техник захирада ушбу шартнома бўйича олинган такофул суғурта бадалининг қолдиги бўлса, ушбу қолдик такофул суғурта бадалининг қайтарилиган улуси суммасидан ушлаб қолинади ва иштирокчининг ушбу техник захирадаги улуси нолга етгандан сўнг, ушбу улущ иштирокчига қайтарилади.

ушбу бандга мувофиқ ҳисобланган такофул суғурта бадалини қайтариш суммаси иштирокчига ушбу шартнома муддати ўтган календар йили тугаганидан кейин 3 ой ичида тўланади.

Mufti Muhammad Ibrahim Essa
23.05.2025 y.

